

VOLUME 3, ISSUE 12

Scientific Journal

# ERUS

Educational Research in Universal Sciences

*Exact and Natural Sciences*

ISSN: 2181-3515

ERUS.UZ



2024/12

ISSN 2181-3515  
VOLUME 3 ISSUE 12  
DECEMBER 2024



<https://erus.uz/>

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498710>

## КЎКДУМАЛОҚ МАЙДОНИ ҚУЙИ ВА ЎРТА ЮРА ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ЛИТОЛОГИК ТАВСИФИ

**Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

E-mail: [hikmat.panjiyev02@mail.ru](mailto:hikmat.panjiyev02@mail.ru)

**Шукуров Зовқиддин Бахтиёр ўғли**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талаба

**Аннотация:** Мақолада Кўкдумалоқ майдонининг қуйи ва ўрта юра даври ўтқизикларини геологик ва литологик стратиграфик тузилиши келтирилган. Кўкдумалоқ майдонининг стратиграфик тузилиши келтирилган. Кўкдумалоқ майдонининг юра даври ўтқизиклар нефт ва газга истиқболли ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** палеозой, мезазой ва кайнозой, Зекри, Дивалкак, Кушаб, юра, карбонат формацияси, туз ангидрит формацияси, неоком, альб.

**Annotation:** The geological and lithological stratigraphic structure of the Lower and Middle Jurassic deposits of the Kokdumolok area is presented in the article. The stratigraphic structure of the Kokdumaloq area is shown. The Jurassic deposits of the Kokdumaloq area are promising for oil and gas.

**Keywords:** Paleozoic, Mesozoic and Cenozoic, Zekri, Divalkak, Kushab, Jurassic, carbonate formation, salt anhydride formation, neocom, alb.

Ўрганилаётган ҳудуднинг геологик тузилишида палеозой, мезозой, кайнозой ёшидаги ўтқизиклар иштирок этади. Буларнинг ичида меза-кайназой даври ўтқизиклари кўпроқ ўрганилган. Чунки бу давр ўтқизиклари нефт ва газга истиқболли ҳисобланади.

### Палеозой эротемаси - PZ

Чоржов тектоник поғонаси марказий қисмида олиб борилган чуқур бурғулаш ишлари натижасида палеозой ўтқизиклари асосан чўкинди ва метаморфик тоғ жинсларидан (оҳактошлар, рифли оҳактошлар шунингдек туфлар) иборат эканлиги аниқланган. Палеозой ўтқизиклари 2907-3027м (Зекри майдони 4,5,6,7-қудуқларида), 2935м (Дивалкак, 1-қудуқ), 2675м (Чандир 4-

кудук), 3195м (Уртабулак 102-кудук), 3707м (Кушаб 1-кудук), 3934м Памук 1-кудук) чукурликларида очилган.

### **Мезозой эротемаси - MZ**

Мезозой ётқиқиқлари палеозой ётқиқиқлари устида бурчакли номувофиқлик билан ётади ва улардан метоморфизмга учрамаганлиги, алохида горизонтлар мустаҳкамланганлиги билан фарқланади. Уларнинг қалинлиги жанубдан шимолга қараб қисқариб боради. Юра кесмасининг қисқариши, асосан, туз-гипс ётқиқиқлари қалинлиги камайиши ҳисобига юз беради.

### **Юра системаси – J**

Ўрганилаётган майдон юра ётқиқиқлари барча қудуқларда очилган ва терриген, карбонат ва туз-ангидритли ётқиқиқлардан ташкил топган. Терриген ётқиқиқлари ҳосил бўлиши, айнан, қуйи-ўрта юра комплекси, фундамент блокининг бир йўналишида нотекис ҳаракатланиши билан боғлиқ.

Юра ётқиқиқлари кесмасининг пастки қисми терриген континентал ва юқори қисмида денгиз-лагуна ҳосилаларидан ташкил топган. Континентал ётқиқиқлар қумтошлар, алевролитлар ва гиллар билан алмашиб ётувчи юпқа қатламли аргиллитлардан тақиб топган. Терриген юра ётқиқиқлари Испанли-Чандир кўтарилмасида 435 м дан (2 қудуқ, Дивалкак) 683 м гача (1 қудуқ, Крук), Денгизкул кўтарилмасида 565 м (102 қудуқ, Ўртабулак), Култак кўтарилмасида -741 м гача (3 қудуқ, Кўкдумолак) ўзгаради.

Юра терриген жинслари қалинлиги қисқарган зоналарида ётқиқиқларнинг қумлиги ортади.

Қудуқдаги геофизик тадқиқотлари (ГИС) маълумотларига кўра терриген юра ётқиқиқларида XVII, XVIII, XIX ва XX коллектор горизонтлар ажратилган бўлиб, улар бир неча майдонларда (Дивалкак, Ўртабулак, Помук, Шимолий Алан, Кўкдумолак ва бошқалар) маҳсулдор эканлиги кузатилган.

Карбонат формацияси ётқиқиқлари терриген формацияси ётқиқиқларига мувофиқ ётади ва қалинлиги 84м дан 352м гача ўзгарадиган фашиал ўзаро боғланган карбонатли жинсларнинг турли хил комплексларидан иборат.

Карбонатли юра кўпинча оҳақтошлардан, унинг фашиал ўзгариши туфайли вужудга келган оолитли, уюшиқли, пелитоморф оҳақтошлари ва уларнинг оралик турларидан ташкил топган. Коллектор жинслари уюшиқли, оолитли, уюшиқли-сувўтли оҳақтошлар ҳисобланади. Оҳақтошлар қисман ёки кучли доломитлашган.

T6 қайтарувчи горизонти шу ётқиқиқлар юзасига тегишли (K+O). Карбонатли ётқиқиқлар қалинлиги 84 м дан 352 м гача боради. Келловей-оксфорднинг карбонатли ётқиқиқлари устида кимеридж-титоннинг туз-ангидритли ётқиқиқлари ётади, бу қатламлар XV-1 (T6) горизонтининг газ учун

тутқич вазифасини ўтайди. Киммериж-титон ётқизиклари ангидрит, оч қизғиш рангдаги гиллар, алевролит ва доломитлашган оҳактош линзалари ҳамда мергеллар бўлган қумтошларидан ташкил топган. Ўрганилаётган майдонда киммеридж -титон ётқизикларининг қалинлиги 160м дан 402м гача ўзгаради.

### **Бўр системаси - К**

Бўр ётқизиклари карбонатлар ёки ангидритларнинг ювилган юзаси ётади, қуйи ва юқори бўлимларга ажралади.

#### **Қуйи бўр - К<sub>1</sub>**

Қуйи бўр неокомнинг қизил рангли континентал терриген ётқизиклари ҳамда апт ва альбнинг кулранг денгиз чўкинди терриген ётқизикларидан ташкил топган. Ўтказувчан қумтошлар XII, XIII, XIV горизонтларга ажратилган. Қуйи бўр ётқизиклари қалинлиги ўрганаётган майдонда 350 метрдан 700 метргача ўзгаради.

#### **Юқори бўр - К<sub>2</sub>**

Юқори бўр сенон-турон яруслари ва юқори сеноман яруси ётқизикларидан ташкил топган бўлиб, кам миқдорда оҳактош ва мергел қатламчаларига эга бўлган кулранг терриген чўкинди жинслардан ташкил топган. Юқори бўр қалинлиги 800 метрдан 1100 метргача ўзгаради.

### **Кайнозой эратемаси - KZ**

Кайнозой ётқизиклари палеоген, неоген ва антропоген ётқизикларидан ташкил топган.

#### **Палеоген системаси – P**

Палеогеннинг қуйи қисми палеоценнинг бухоро қатталари кулранг оҳактошларидан, сарғиш-кулранг зич, баъзан дарзлашган ва ғовакли қумтошлардан иборат. Бу ётқизиклар ўрганилаётган майдоннинг барча қисмида мавжуд ва ишончли сейсмик таянч вазифасини ўтайди. Уларнинг қалинлиги 75м дан 230 м гача ўзгаради.

Палеоген оҳактошларида эоценнинг органик моддаларига бой қора кулранг ва яшил-кулранг гиллари ривожланган (40м чамаси).

#### **Неоген – N**

Палеоген ётқизикларининг ювилган юзасига қумтош, гил, алевролитлардан ташкил топган неоген (0-110м) ётқизиклари ётади.

#### **Тўртламчи давр ётқизиклари – Q**

Тўртламчи давр ётқизиклари гил, соз тупроқ, қумтошлар ва суглинкалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қалинлиги 30-40 м дан ошмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Акрамходжаев А.М. и др. Литология, стратиграфия, нефтегазоносность Южного и Западного Узбекистана, Ташкент. ФАН. 1971. С. 200.
2. Арифджанов М.Х. Рифовые комплексы карбонатов келловей оксфорда Узбекистана. Ташкент. ФАН. 1975. С. 162.
3. Бабаев А.Г. Карбонатная формация юрского возраста платформенной области Узбекистана и ее нефтегазоносность. Ташкент. ФАН. 1983. С. 1-160.
4. Бабаев А.Г., Симоненко А.Н. и др. Формация юрских палеоседиментационных бассейнов Узбекистана и ее нефтегазоносность. Ташкент. 1990. С. 1-292.
5. ХР Ахмедов, ХА Панжиев, АП Эшмуродов Строение юрско-меловых отложений центральной части Бухаро-Хивинского нефтегазоносного бассейна - StudNet, 2021
6. ХР Ахмедов, ХА Панжиев Количественная характеристика нефтегазоносности мезозойских отложений чордждоуской ступен амударьинская впадины. Научные горизонты № 3(31) | 2020

15

Eshankulova, D. I. (2024). KIMYO FANI DARS JARAYONLARIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO'LLASH ORQALI SAMARALI TA'LIMGA ERISHISH USULLARI. Educational research in universal sciences, 3(12), 119–123. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498345>

16

Ishanqulova, D. U. qizi . (2024). JIZZAX SHAHRIDA INTRODUKSIYA QILINGAN OCHIQ URUG'LI O'SIMLIKLARNING O'SISHI VA RIVOJLANISHI. Educational research in universal sciences, 3(12), 124–128. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498695>

17

Панжиев, Х. А., & Шукуров, З. Б. ўғли . (2024). КЎКДУМАЛОҚ МАЙДОНИ ҚУЙИ ВА ЎРТА ЮРА ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ЛИТОЛОГИК ТАВСИФИ. Educational research in universal sciences, 3(12), 129–132. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498710>

18

Пиримова, С., & Ражабов, О. (2024). ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИСПАРЕНИЯ НА ПОВЕРХНОСТИ ТОДАКОЛЬСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА (НА ОСНОВЕ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИХ ДАННЫХ). Educational research in universal sciences, 3(12), 133–138. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498726>

19

Asalov, G. (2024). ADMINISTERING A SPECIFIC IMMUNOTHERAPY FOR ALLERGENS USING THE "ANTI POLLIN" PRODUCT, A BLEND OF WEEDS AND GRASSES, FOR SEASONAL CASES OF ALLERGIC RHINITIS (HAY FEVER). Educational Research in Universal Sciences, 3(12), 139–143. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498738>

20

Berdikulov, B., & Ikhtiyarova, G. (2024). INNOVATIVE METHODS IN SYNTHESIZING ORGANOMETAL HALIDE PEROVSKITES FOR ENHANCED SOLAR CELL EFFICIENCY. Educational Research in Universal Sciences, 3(12), 144–158. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498748>

21

Nosirov, Y. S. o'g'li . (2024). TUPROQ FAZALARI. Educational research in universal sciences, 3(12), 159–163. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14498764>